

**САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ
ВА УНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Мирзаев Камолиддин Абдуллаевич

Тошкент давлат юридик университети,
Халқаро тижорат ҳуқуқи йўналиши магистри

Аннотация: *ушбу мақолада Жаҳон савдо ташкилотининг (ЖСТ) халқаро ҳуқуқий мақоми, ташкилот функциялари ва вазифалари таҳлил этилади. Шу билан бирга, ЖСТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, хусусан, санитария ва фитосанитария чоралари (SPS битими), Савдодаги техник тўсиқлар (ТВТ битими), Қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги битим, Codex Alimentarius стандартлари билан боғлиқ жиҳатлар ёритиб берилади. Мақолада ЖСТга аъзо мамлакатлар томонидан инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва хавфсиз озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқни таъминлаш борасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг самарали қўлланилиши юзасидан маълумотлар берилади.*

Калит сўзлар: *Жаҳон савдо ташкилоти, Санитария ва фитосанитария чоралари, Codex Alimentarius, Тарифлар ва савдо бўйича бош битим, Уругвай раунди, Миллий режим, Савдодаги техник тўсиқлар.*

**МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЙ СТАТУС ВТО И ВОПРОСЫ
РЕГУЛИРОВАНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ В
НЕЙ**

Мирзаев Камолиддин Абдуллаевич

Ташкентский государственный юридический университет
Магистр международного торгового права

Аннотация: *в данной статье анализируется международно-правовой статус Всемирной торговой организации (ВТО), функции и задачи организации. При этом рассматриваются вопросы правового регулирования*

безопасности пищевых продуктов в рамках ВТО, в частности аспекты, связанные с Соглашением о санитарных и фитосанитарных мерах (Соглашение СФС), Соглашением о технических барьерах в торговле (Соглашение ТБТ), Соглашением по сельскому хозяйству, стандартами Кодекса Алиментариус. В статье приводится информация об эффективном применении странами-членами ВТО международно-правовых норм для защиты здоровья человека и обеспечения права на безопасные пищевые продукты.

Ключевые слова: *Всемирная торговая организация, санитарные и фитосанитарные меры, Кодекс Алиментариус, Генеральное соглашение по тарифам и торговле, Уругвайский раунд, национальный режим, технические барьеры в торговле.*

INTERNATIONAL LEGAL STATUS OF THE WTO AND ISSUES OF REGULATING FOOD SAFETY IN IT

Mirzaev Kamoliddin Abdullaevich

Tashkent State University of Law

Master's student of International Trade Law

Abstract: *this article analyzes the international legal status of the World Trade Organization (WTO), the functions and tasks of the organization. At the same time, the issues of legal regulation of food safety within the framework of the WTO are discussed, in particular, aspects related to the Sanitary and Phytosanitary Measures (SPS Agreement), Technical Barriers to Trade (TBT Agreement), the Agreement on Agriculture, and Codex Alimentarius standards. The article provides information on the effective application of international legal norms by WTO member countries to protect human health and ensure the right to safe food.*

Keywords: *World Trade Organization, Sanitary and Phytosanitary Measures, Codex Alimentarius, General Agreement on Tariffs and Trade, Uruguay Round, National Treatment, Technical Barriers to Trade.*

Кириш

Халқаро савдонинг бугунги ҳолатига келгунига қадар ўзининг тарихий эволюция жараёнларида давлатлар ўртасидаги икки томонлама ташқи савдо битимларидан тортиб, узоқ муддатга мўлжалланган кенг қўламли савдо-иқтисодий ҳамкорликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Дунё давлатлари иккинчи жаҳон урушининг талофотларидан кўрган зарарларни қоплаш ва иқтисодиётни тиклаш учун халқаро муносабатларда аввало иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратди. Ушбу муносабатлар ҳамкорлик жараёнларининг ўзига хослиги, айниқса, узоқ муддатли тенденциялар, савдо муносабатларининг турли шакллари ва хусусиятлари ҳамда бир-биридан фарқ қилувчи ҳамкорлик усуллари негизида намоён бўлади. Ўз навбатида, бир жиҳатни тан олиш зарурки, халқаро савдонинг ривожланишида давлатларнинг ягона ташкилот остида иқтисодиётда бир хил тамойилларни қўллаган ҳолда ҳамкорликни амалга ошириш жараёнлари турли тўсиқлар ёки зиддиятларсиз эришилмаган. Зеро, ҳар қандай ҳамкорлик шаклларида киришишда ҳар бир давлат учун аввало миллий манфаатлар биринчи ўринда туриши ҳеч кимга сир эмас. У ёки бу мамлакатнинг миллий савдо-иқтисодий, ижтимоий манфаатларини бошқа мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи томонидан қамситилиши кўпинча савдо можаролари, бир сўз билан айтганда "савдо урушлари"нинг келиб чиқишига олиб келади. Давлатлар ўртасидаги савдо можароларининг авж олишига эса турли омиллар, жумладан, божхона тарифлари, ҳудудий боғлиқликлар ёки

товарларга нисбатан қўйиладиган нархлар, шунингдек санитария қоидалари, экологияи ва атроф-муҳит билан боғлиқ талаблар ва бошқа омиллар бевосита сабаб бўлишини инкор қилиб бўлмайди.

Жаҳон савдо ташкилотининг шаклланиш жараёни:

Халқаро савдони тартибга солиш учун уни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва савдони эркинлаштиришда халқаро иқтисодий ташкилотлар муҳим рол ўйнайди. Бу ўринда жаҳон савдосининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган ташкилотлардан бири сифатида албатта Тарифлар ва савдо бўйича Бош битим (ГАТТ) ташкилотини келтириш муҳим саналади. ГАТТни ташкил этиш ҳақидаги шартнома дастлаб 1947-йилда 23 та давлат томонидан имзоланган бўлиб, 1948-йил 1-январдан кучга кирган.¹

ГАТТ - иштирокчи давлатларнинг ўзаро савдосини олиб бориш ва аъзо давлатлар томонидан тартибга солиш тамойиллари, ҳуқуқий меъёрлари, қоидаларини ўз ичига олган кўп томонлама битим бўлиб, энг йирик халқаро иқтисодий ташкилотлардан бири бўлди ва унинг фаолияти жаҳон савдосининг 94 фоизини қамраб олди. ГАТТнинг асосий ютуқларидан бири давлатлараро савдо муносабатларида ўзаро камситишларсиз савдо қилишдан иборатлиги, ГАТТнинг ҳар бир аъзоси бошқа ҳар қандай аъзо давлат билан тенг муносабатда бўлиши керак эди.² Ташкилотнинг фаолияти раундларга бирлаштирилган ҳолда кўп томонлама музокаралар орқали амалга оширилди. ГАТТ ўз тарихида йиғилишларнинг саккизта раундини ўтказди. Жумладан, биринчиси 1947-йил апрел ойида бошланган бўлса, охиригиси 1993-йил

¹ Text of General Agreement on Tariffs and Trade, https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/gatt47.pdf.

² General Agreement on Tariffs and Trade:
https://www.law.cornell.edu/wex/general_agreement_on_tariffs_and_trade_%28gatt%29.

декабрь ойида якунланган. Ушбу раундлар ўртача божхона божининг ўн баробарга қисқаришига олиб келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу кўрсаткич 40 % ни ташкил этган бўлса, 90-йилларнинг ўрталарида 4 % атрофида бўлди.

1993-йил декабрь ойида, етти йиллик музокаралардан сўнг, GATT 117 та давлат, шу жумладан AQSH ўртасида келишувга эришди. Ушбу раунд Уругвайда бўлиб ўтди ва шунинг учун Уругвай раунди деб номланди. Кўп томонлама савдо музокараларининг Уругвай раунди натижаларини ўз ичида мужассам этган якуний ҳужжат ушбу раундда эришилган келишув бўлиб, 1994-йил апрель ойида имзоланди ва ниҳоят мазкур битим доирасида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ташкил этилди.³

Ўз навбатида, Жаҳон савдо ташкилоти таъсис этилиши муносабати билан GATT ўз фаолиятини тўхтатди. Жаҳон савдо ташкилоти давлатлар ўртасида ўзаро савдо келишувини амалга оширувчи ташкилот бўлиб, Доха шахрида ўзининг дастлабки раундини бошлаган. Ташкилотга аъзо бўлиш учун давлатлар аввало аъзолик учун ариза топшириши лозим.

ЖСТнинг алоҳида юридик моҳияти унинг аъзолигига киришнинг ўзгача хусусиятларини белгилайди. ЖСТнинг вазифалари савдо жараёнини маълум қоидаларга асосланган тизим доирасида тартибга солишда ёрдам бериш, ҳукуматлар ўртасидаги савдо низоларини ҳолисона ҳал қилиш, савдо музокараларини ташкил этишдан иборатдир. Ушбу келишувларга асосланган тамойиллар қамситишнинг йўқлиги (энг кўп қулайлик туғдирувчи режим ва миллий режим тўғрисидаги қоида), эркин савдо шартлари, рақобатни рағбатлантириш ва энг кам ривожланган мамлакатлар учун қўшимча

³ GATT/ WTO <https://law.duke.edu/sites/default/files/lib/gatt.pdf>.
SJIF: 5.051

қоидаларни ўз ичига олади. ЖСТнинг мақсадларидан бири протекционизмга қарши курашишдир. ЖСТ 200 дан ортиқ савдо низоларини ҳал қилишда иштирок этган ва 1986-1994 йиллардаги Жаҳон савдо музокараларининг Уругвай босқичида эришилган келишувларнинг бажарилишини кузатишда давом этмоқда.⁴

ЖСТнинг расмий штаб-квартираси Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган бўлиб, ташкилот доимий фаолият кўрсатувчи халқаро ташкилот ҳисобланади. Ташкилотнинг энг олий органи Вазирлар конференцияси ҳисобланади ва у камида икки йилда бир марта йиғилади. Бундан ташқари, ЖСТ таркибида Бош кенгаш, Товарлар савдоси бўйича кенгаш, Хизматлар савдоси бўйича кенгаш, Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича кенгаш, Комитетлар, Низоларни ҳал қилиш органи ва Савдо сиёсатини таҳлил қилиш органи каби таркибий тузилмалар мавжуд.⁵

Ҳозирги кунда ЖСТга 166 та давлат аъзо бўлиб, яна 23 та давлат кузатувчи мақомига эга. ЖСТга аъзо давлатлар жаҳон савдосининг деярли 95 фоизини қамраб олади.⁶ Шу жиҳатдан, ЖСТ халқаро савдо соҳасида энг йирик ва нуфузли ташкилот ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, халқаро озиқ-овқат савдоси тўхтаб қолса, 30 дан ортиқ давлат очарчиликка дучор бўлади. Савдога таяниши кам ривожланган мамлакатлар учун озиқ-овқат хавфсизлиги хавфи оғир бўлса-да, озиқ-овқат хавфсизлиги учун савдога боғлиқлик бой давлатлар учун ҳам ташвиш уйғотади. Оғир сув танқислигига дуч келган Форс кўрфази араб давлатлари озиқ-овқатнинг 80-90 фоизини, Сингапур 90 фоизини ва Гаити 50 фоизини

⁴ Всемирная торговая организация, <https://www.un.org/ru/wto/>.

⁵ “Marrakesh Agreement Establishing the World Trade Organization”
https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/marag_e.htm.

⁶ “Members and Observers” https://www.wto.org/english/thewto_e/whatis_e/tif_e/org6_e.htm.

импорт қилади. Дунё миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларининг 25 фоизи халқаро савдога тўғри келади.⁷ Бундан келиб чиқадики, ушбу савдода ЖСТнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

ЖСТнинг халқаро ҳуқуқий мақоми унинг асосий тамойиллари билан ҳам боғлиқдир. Мазкур тамойилларга қуйидагилар киради:

1. Энг кўп қулайлик режими (Most-favoured nation treatment) - мазкур тамойил ЖСТ Низомининг 1-моддасига мувофиқ, бир аъзо давлат томонидан бошқа давлат маҳсулотларига берилган имтиёз ва афзалликлар барча аъзо давлатларга тенг равишда татбиқ этилиши лозимлигини англатади.

2. Миллий режим тамойили (National treatment) - ЖСТ Низомининг 3-моддасига мувофиқ, четдан келтирилган товарлар ички бозорда маҳаллий товарлар билан бир хил муносабатда бўлиши лозим. Бу тамойил чет эл товарларига нисбатан дискриминацияга йўл қўйилмаслигини англатади.

3. Савдо тўсиқларини пасайтириш ва бартараф этиш тамойили - савдо тарифлари ва нотариф тўсиқларни босқичма-босқич камайитириш ва имкон қадар бартараф этиш.

4. Шаффофлик тамойили - аъзо давлатлар ўз савдо қонунчилиги, қоидалари ва амалиётини ошкор қилиши ва уларнинг шаффофлигини таъминлаши лозим.

5. Низоларни ҳал қилишнинг самарали механизми - аъзо давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун мажбурий ва самарали механизмнинг мавжудлиги.

⁷ “Leveraging WTO rules to tackle malnutrition”:

https://www.wto.org/english/blogs_e/ddg_jean_marie_paugam_e/blog_jp_09jan25_e.htm.

SJIF: 5.051

6. Махсус ва табақалаштирилган режим тамойили (Special and differential treatment) - ривожланаётган ва кам ривожланган давлатларга нисбатан маълум имтиёзлар ва афзалликлар тақдим этилиши.⁸

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ЖСТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солиш масалалари бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Масалан, Европа Иттифоқи "эҳтиёткорлик принципи"га асосланган сиёсатни амалга оширади. Бу принципга кўра, "илмий ноаниқлик мавжуд бўлган ҳолатларда ҳам, агар дастлабки илмий маълумотлар инсон, ҳайвон ёки ўсимлик ҳаёти ёки соғлиғига ёки атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатса, тегишли чораларни кўриш мумкин.

Европа озиқ-овқат хавфсизлиги органи томонидан қабул қилинган "Умумий озиқ-овқат қонунчилиги низоми" (кейинги ўринларда – Низом дейилади) озиқ-овқат хавфсизлиги талабини белгилайди ва бу икки элементдан иборат:

- i) озиқ-овқат соғлиққа зарар етказмаслиги керак ёки
- ii) инсон истеъмоли учун яроқсиз бўлмаслиги керак.

Озиқ-овқатнинг хавфли деб баҳоланиши учун ушбу элементлардан фақат биттаси мавжуд бўлиши кифоя. Бу тушунчалар халқаро миқёсда Codex Alimentarius доирасида ҳам, Европа Иттифоқининг бир қатор аъзо давлатларининг озиқ-овқат қонунчилигида ҳам мавжуд. "Соғлиққа зарарли" тушунчаси ушбу низомда янада аниқроқ таърифланган, чунки бу кенг талқин қилиниши мумкин.⁹

⁸ "Principles of the trading system" https://www.wto.org/english/thewto_e/whatis_e/tif_e/fact2_e.htm.

⁹ "General Principles of Food Law in the European Union" <https://www.fao.org/4/ac340e/ac340e.htm#V>.

Инсон истеъмоли учун яроқсиз озиқ-овқат ҳам Низомда хавфли деб ҳисобланади. Масалан, чириб қолган озиқ-овқатни инсон истеъмоли учун қабул қилиб бўлмайди ва соғлиққа зарар етказиши мумкин. Бундай озиқ-овқат билан боғлиқ соғлиққа зарар ёки зарар хавфини исботлаш деярли имконсиз бўлиши мумкин, шунинг учун ушбу омил озиқ-овқат хавфсизлиги талаби билан боғлиқ алоҳида фактор сифатида киритилган.

Ушбу Низом озиқ-овқат корхоналарига хавфли озиқ-овқатларни бозордан чиқариб ташлаш ва бунга оид тўғри маълумотларни истеъмолчиларга етказиш мажбуриятини ҳам юклайди. Озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча босқичларда хавфсизликни ҳисобга олиш талаб этилади.

Ушбу низом мақсадларида "озиқ-овқат" (ёки "озиқ-овқат маҳсулоти") инсон томонидан истеъмол қилиниши мўлжалланган ёки истеъмол қилиниши эҳтимолдан йироқ бўлмаган, қайта ишланган, қисман қайта ишланган ёки қайта ишланмаган ҳар қандай модда ёки маҳсулотни англатади. "Озиқ-овқат" тушунчасига ичимликлар, чайнаш ширинлиги ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш ёки қайта ишлаш жараёнида озиқ-овқатга атайлаб қўшилган ҳар қандай модда, шу жумладан сув ҳам киради.¹⁰

АҚШ эса кўпроқ "илмий асосланган ёндашув"га таянади. Бу ёндашувга кўра, "санитария ва фитосанитария чоралари фақат етарли илмий далиллар мавжуд бўлган ҳолатларда қўлланилиши мумкин". Қўшма Штатлар ҳукуматлар томонидан ўз фуқаролари, ҳайвонлари ва ўсимликларини соғлиқ учун хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган санитария ва фитосанитария (SPS) чораларини қўллаб-қувватлайди. Афсуски, баъзи

¹⁰ "Regulation (ec) No 178/2002 of the European Parliament And Of The Council of 28 January 2002" <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A02002R0178-20240701>.

давлатлар баъзан ноҳақ, ортиқча оғир ёки илмий далилларга асосланмаган чораларни қонуний SPS чоралари сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бундай чоралар АҚШнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун жиддий тўсиқлар яратади ва АҚШ Савдо вакиллиги ушбу тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этишга содиқдир.¹¹

Ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ҳиндистон, Бразилия ва Хитой каби мамлакатлар эса "озиқ-овқат мустақиллиги" концепциясига таянадилар. Бу концепцияга кўра, "ҳар бир давлат ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ўз озиқ-овқат сиёсатини белгилаш ҳуқуқига эга".

1996 йилдан бери кўплаб мамлакатларда озиқ-овқат суверенитети концепциясини ўз ичига олган қонун, фармон ёки конституцияга ўзгартиришлар қабул қилинган. Мисол учун, 2008-йилги Эквадор конституцияси озиқ-овқат суверенитетини мақсад сифатида белгилайди ва 2009-йилги озиқ-овқат суверенитети тўғрисидаги қонун асосий озиқ-овқат захираларини сақлаш учун давлат инфратузилмасини яхшилашни ва кичик фермер хўжаликларини институционал харид дастурлари учун мақсад қилиб кўяди. Бразилияда да Силва ҳукумати (2003–2011 ва 2023-йиллар) остида амалга оширилган “Нол очлик” сиёсати асоси озиқ-овқат ҳаракати ҳуқуқини аграр ислохотлар ва озиқ-овқат суверенитети учун қишлоқ ҳаракатлари билан боғлайди. Оилавий деҳқонларга қаратилган озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича давлат дастурлари, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ташиш учун қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш ҳамда қишлоқ таълимига, жумладан, қишлоқ хўжалиги техник

¹¹ “Sanitary and Phytosanitary Measures and Technical Barriers to Trade” <https://ustr.gov/issue-areas/agriculture/sanitary-and-phytosanitary-measures-and-technical-barriers-trade>.

коллежларига катта сармоя киритиш фермерларнинг турмуш тарзини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Индонезиянинг 2012 йилги Озиқ-овқат қонуни озиқ-овқат суверенитети мақсадини глобал нархларнинг ўзгарувчанлиги шароитида гуручнинг ўзини-ўзи таъминлашга қаратилган сиёсати билан боғланган.¹²

Шу билан бир қаторда, Жаҳон савдо ташкилоти доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бир қатор ҳукуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Хусусан, ЖСТнинг ташкил этилиши тўғрисидаги Марракеш битимининг преамбуласида халқаро савдо муносабатларини ривожлантиришнинг асосий мақсадларидан бири "ҳаёт даражасини ошириш" эканлиги таъкидланган.¹³

ЖСТнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги роли қуйидаги асосий йўналишларда намоён бўлади:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари савдосида адолатли ва барқарор тизимни яратиш. ЖСТ келишувлари давлатлар ўртасида озиқ-овқат маҳсулотлари савдосида камситишларни бартараф этиш, таъриф ва нотаъриф тўсиқларни камайтириш орқали озиқ-овқат маҳсулотларининг халқаро бозорлардаги нархларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

2. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги протекционизмни камайтириш. Қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги битимга мувофиқ, аъзо давлатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортига нисбатан протекционистик чораларни камайтириш, ички бозорни қўллаб-қувватлаш субсидияларини қисқартириш ва экспорт субсидияларини бекор қилиш мажбуриятини олганлар.¹⁴

¹² "Food sovereignty: An inclusive model for feeding the world and cooling the planet"
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2590332223001975>.

¹³ "Marrakesh Agreement Establishing the World Trade Organization":
https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/marag_e.htm.

¹⁴ "Agreement on Agriculture" https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/ag_e.htm.

3. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш. Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш тўғрисидаги битим ва Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битим орқали ЖСТ озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида халқаро стандартларнинг қўлланилишини рағбатлантиради.

4. Озиқ-овқат инқирозларининг олдини олиш. ЖСТ озиқ-овқат экспортига нисбатан чекловларнинг қўлланилишини тартибга солиш орқали глобал озиқ-овқат инқирозларининг олдини олишга ҳаракат қилади.

5. Ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. ЖСТ келишувларида ривожланаётган мамлакатлар учун махсус ва табақалаштирилган режим, шунингдек, энг кам ривожланган мамлакатлар учун кўшимча имтиёзлар назарда тутилган.¹⁵

ЖСТнинг **Қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги битими** озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда марказий ўрин эгаллайди. Ушбу битимга мувофиқ, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш чоралари уч тоифага бўлинади:

1. "Сарик кути" (Amber Box) – савдони бузувчи чоралар. Бундай чораларга минимал ёки умумий маҳсулот миқдори (de minimis) чегарасидан ошадиган нархни қўллаб-қувватлаш дастурлари киради. Аъзо давлатлар бундай чораларни қисқартириш мажбуриятини олганлар¹¹.

2. "Кўк кути" (Blue Box) – савдони бузувчи таъсири минимал бўлган чоралар. Бундай чораларга ишлаб чиқаришни чеклаш дастурлари бўйича тўғридан-тўғри тўловлар киради. ЖСТ келишувларида бундай чораларга чекловлар белгиланмаган¹¹.

¹⁵ "Special and differential treatment provisions"

https://www.wto.org/english/tratop_e/devel_e/dev_special_differential_provisions_e.htm.

SJIF: 5.051

3. "Яшил кути" (Green Box) – савдони бузмайдиган чоралар. Бундай чораларга ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган тўғридан-тўғри тўловлар, илмий тадқиқотлар ва таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурлари, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, озиқ-овқат захираларини яратиш ва озиқ-овқат ёрдами дастурлари қиради. "Яшил кути" чораларига ЖСТ келишувларида чекловлар белгиланмаган.¹⁶

Санитария ва фитосанитария битими (СФС) эса озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Ушбу битимга мувофиқ, санитария ва фитосанитария чоралари:

1. Фақат инсон, ҳайвон ёки ўсимлик ҳаёти ёки соғлиғини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган даражада қўлланилиши;
2. Илмий принципларга асосланган бўлиши ва етарли илмий далилларсиз сақлаб турилмаслиги;
3. Аъзо давлатлар ўртасида ўзбошимчалик ёки асоссиз камситиш ҳолатларини келтириб чиқармаслиги;
4. Халқаро савдога яширин чеклов сифатида қўлланилмаслиги керак.¹⁷

СФС битимининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, у аъзо давлатларни санитария ва фитосанитария чораларини халқаро стандартлар, йўриқномалар ва тавсияларга мувофиқлаштиришга ундайди. Бунда қуйидаги халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган стандартлар эътироф этилади:

¹⁶ "Domestic support in agriculture: The boxes" https://www.wto.org/english/tratop_e/agric_e/agboxes_e.htm.

¹⁷ "The WTO Agreement on the Application of Sanitary and Phytosanitary Measures (SPS Agreement)", Article 2 https://www.wto.org/english/tratop_e/sps_e/spsagr_e.htm.

1. **Кодекс Алиментариус** комиссияси (Codex Alimentarius Commission) – озиқ-овқат хавфсизлиги стандартлари;
2. Эпизоотик касалликлар халқаро бюроси (International Office of Epizootics, OIE) – ҳайвон соғлиғи стандартлари;
3. Ўсимликларни ҳимоя қилиш халқаро конвенцияси доирасидаги Котибият (International Plant Protection Convention, IPPC) – ўсимликлар соғлиғи стандартлари.¹⁸

Аъзолар ҳар қандай санитария ёки фитосанитария чораси фақат инсон, ҳайвон ёки ўсимлик ҳаёти ёки соғлиғини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган даражада қўлланилишини, илмий асосларга таянишини ва етарли илмий далилларсиз қўллаб-қувватланмаслигини таъминлайдилар.¹⁹

Савдодаги техник тўсиқлар (ТВТ) тўғрисидаги келишув техник регламентлар, стандартлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-қоидаларининг камситишларга йўл қўймаслиги ва савдога кераксиз тўсиқлар яратмаслигини таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга, у ЖСТ аъзоларининг инсон саломатлиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби қонуний сиёсат мақсадларига эришиш учун чоратадбирларни амалга ошириш ҳуқуқини тан олади. ТВТ келишуви аъзоларни савдони осонлаштириш воситаси сифатида халқаро стандартларга асосланишини қатъий рағбатлантиради.²⁰

Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари тўғрисидаги битим (ТРИПС) ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига таъсир кўрсатади. Хусусан, ушбу битимнинг 27.3-моддасига кўра, “аъзо давлатлар ўсимлик

¹⁸ “The WTO Agreement on the Application of Sanitary and Phytosanitary Measures (SPS Agreement)”, Annex A https://www.wto.org/english/tratop_e/sps_e/spsagr_e.htm.

¹⁹ “The Agreement on the Application of Sanitary and Phytosanitary Measures”, Article 2.2.

²⁰ “Technical barriers to trade” https://www.wto.org/english/tratop_e/tbt_e/tbt_e.htm.

навларини ё патентлар орқали, ё самарали *sui generis* тизими орқали, ёки уларнинг комбинацияси орқали ҳимоя қилишлари шарт”.²¹ Бу эса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновацияларни рағбатлантириш ва уруғлик ва кўчатлар сифатини таъминлаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир кўрсатади.

Хулоса

ЖСТнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ролини таҳлил қилар эканмиз, шунини таъкидлаш жоизки, халқаро савдони эркинлаштириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ўртасида баъзида қарама-қаршиликлар юзага келиши мумкин. Хусусан, савдони эркинлаштириш натижасида маҳаллий озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар халқаро рақобатга дуч келиши ва миллий озиқ-овқат мустақиллиги хавф остида қолиши мумкин.

ЖСТ доирасида аъзо давлатлар ўртасидаги муаммолардан бири ривожланаётган давлатлар ва кам ривожланган давлатлар халқаро озиқ-овқат стандартларини ишлаб чиқиш ва қўллаш борасида етарли молиявий ва техник имкониятларга эга эмаслиги, бу эса, ЖСТ битимларини, айниқса Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги ва Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битимларини амалда қўллашда қийинчиликларни юзага келтириши назарда тутилади

Шу сабабли, ЖСТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини тартибга солишда мувозанатли ёндашув зарур. Бир томондан, халқаро савдони эркинлаштириш орқали озиқ-овқат маҳсулотларининг халқаро бозорлардаги мавжудлигини ошириш ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин. Бошқа томондан эса, ҳар бир давлатнинг озиқ-овқат

²¹ “Standards concerning the availability, scope and use of Intellectual Property Rights”

https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/31bis_trips_04c_e.htm.

мустақиллигини таъминлаш ва заиф аҳоли қатламларини ҳимоя қилиш
ҳуқуқи тан олинishi керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Text of General Agreement on Tariffs and Trade. Available at: wto.org
(https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/gatt47.pdf).
2. General Agreement on Tariffs and Trade. Available at: law.cornell.edu
(https://www.law.cornell.edu/wex/general_agreement_on_tariffs_and_trade_%28gatt%29).
3. GATT/WTO. Available at: law.duke.edu
(<https://law.duke.edu/sites/default/files/lib/gatt.pdf>).
4. Marrakesh Agreement Establishing the World Trade Organization. Available at: wto.org (https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/marag_e.htm).
5. Members and Observers. Available at: wto.org
(https://www.wto.org/english/thewto_e/whatis_e/tif_e/org6_e.htm).
6. Leveraging WTO rules to tackle malnutrition. Available at: wto.org
(https://www.wto.org/english/blogs_e/ddg_jean_marie_paugam_e/blog_jp_09jan25_e.htm).
7. Principles of the trading system. Available at: wto.org
(https://www.wto.org/english/thewto_e/whatis_e/tif_e/fact2_e.htm).
8. General Principles of Food Law in the European Union. Available at: fao.org (<https://www.fao.org/4/ac340e/ac340e.htm#V>).

9. Regulation (EC) No 178/2002 of the European Parliament and of the Council of 28 January 2002. Available at: eur-lex.europa.eu (<https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A02002R0178-20240701>).
10. Sanitary and Phytosanitary Measures and Technical Barriers to Trade. Available at: ustr.gov (<https://ustr.gov/issue-areas/agriculture/sanitary-and-phytosanitary-measures-and-technical-barriers-trade>).
11. Food sovereignty: An inclusive model for feeding the world and cooling the planet. Available at: sciencedirect.com (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2590332223001975>).
12. Agreement on Agriculture. Available at: wto.org (https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/ag_e.htm).
13. Special and differential treatment provisions. Available at: wto.org (https://www.wto.org/english/tratop_e/devel_e/dev_special_differential_provisions_e.htm).
14. Domestic support in agriculture: The boxes. Available at: wto.org (https://www.wto.org/english/tratop_e/agric_e/agboxes_e.htm).
15. The WTO Agreement on the Application of Sanitary and Phytosanitary Measures (SPS Agreement), Article 2. Available at: wto.org (https://www.wto.org/english/tratop_e/sps_e/spsagr_e.htm).
16. Technical barriers to trade. Available at: wto.org (https://www.wto.org/english/tratop_e/tbt_e/tbt_e.htm).
17. Standards concerning the availability, scope and use of Intellectual Property Rights. Available at: wto.org (https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/31bis_trips_04c_e.htm).

18. The State of Agricultural Commodity Markets, p. 7. Available at:
openknowledge.fao.org
(<https://openknowledge.fao.org/server/api/core/bitstreams/9932cab1-305d-4bc7-8966-40ca584186a0/content>).